

**“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,
Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй**

2021-йил 21-июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2021-йил 04-июндаги 01-12/063 А-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2021-йил 04-июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2021-йил 15-июнь.

Ш.Курбанов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1.Курбанов Шамситулла Аллаевич–“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи-Йиғилишда раислик қилувчи;

2.Гулямов Нигматулло Кадирович–“Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси;

3.Қаюмов Махмуд Маннонович-жамият акциядори;

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев–жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.Зубаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2021-йил 15-июнь ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 899 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 005 872 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 9 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 81,40 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Н.Турсунов–жамият Бош директори;

Ғ.Бойназаров–жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Ш.Бахромов-“НИМОҲА-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2020-йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2020-йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2020-йил якуни бўйича тафтиш комиссиясини хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатов кенгашининг 2020-йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2020-йил молия –хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича 2020-йил ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2020-йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2021-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2021-йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 19-февралдаги ПФ-5666-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг “E-ijro aukcion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлари бўйича тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизмининг қўллаш тўғрисида.
15. Қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 15 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқадан вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2021-йил 04-июньдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Турсунов Неъмат Нормейлиевич “Шеробод пахта тозалаш” АЖ бош директори в.в.б, Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич– Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис, ва Иш хақи бўйича қатта ҳисобчи – Юлдошев Ориф Сахатмуродовичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи ҳамда йиғилиш регламенти бўйича бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–2 005 872 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Турсунов Неъмат Нормейлиевич;

2) Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич;

3) Юлдошев Ориф Сахатмуродович.

3. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият ижроия органи раҳбари- бош директор в.в.б. Н.Турсунов сўзга чиқиб, 2020-йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот 1-илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2020-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор в.в.б. Н.Турсуновга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан бош директорнинг 2020-йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 905 132 та овоз; “Қаршилар”–100 740 та овоз; “Бетарафлар”–
йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий
йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2020 йилдаги фаолияти қониқарли
деб топилсин ва ҳисоботи 1- иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи
Ш. Курбанов жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи
Ғ.Бойназаровга сўз берди.

Ғ.Бойназаров жамиятнинг 2020-йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси
ва молиявий натижалари бўйича ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини
таништирди (ҳисобот 2-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамиятнинг йиллик
бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул
қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали
билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 264 140 та овоз; “Қаршилар”–741 732 та овоз; “Бетарафлар”–
йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

1. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий
натижалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи
Ш.Курбанов жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи
Ғ.Бойназаровга сўз берди.

Ғ.Бойназаров жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молия-хўжалик
фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини
ўқиб эшиттирди (хулоса 3-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамият тафтиш
комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз
муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 264 140 та овоз; “Қаршилар”–741 732 та овоз;
“Бетарафлар”– йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий
йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини
текшириш якунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хулосаси
3- иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи
Ш. Курбанов сўзни жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар
бўлими бўйича мутахассиси У.Зубаевга берди. У йиғилиш қатнашчиларига кузатув
кенгашининг 2020- йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди
(ҳисобот 4-илова қилинади).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2020-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–2 005 872 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2020-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича “НІМОҲА-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Ш.Бахромов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2021 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Хулосада “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг 31 декабрь 2020 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича салбий хулоса берганлигини айтиб ўтди (Хулоса 5-илова қилинади).

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 264 140 та овоз; “Қаршилар”–741 732 та овоз; “Бетарафлар”– йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “НІМОҲА-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021-йил 30-апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бўйича мутахассиси У.Зубаевга берди.

У.Зубаев жамиятнинг 2020-йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2021-йил 01-июндаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси – 75 баллга баҳоланган, яъни қониқарли деб эътироф этилган (Хулоса 6-илова қилинади).

Бундан сўнг Ш. Курбанов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар қўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга жамиятда 2020-йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани тасдиқлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –2 005 872 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятда 2020-йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖнинг хулосаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2020-йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки hafta муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни киритсин;

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов ўз сўзида 2020 йил якуни бўйича Миллий стандартларга мувофиқ салбий фикр билдирилган аудиторлик хулосасида жамият 21 829 934,0 минг сўм зарар билан чиққанлигини маълум қилди ва ўз муносабатларини бюллетенда билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 256 736 та овоз; “Қаршилар”–741 732 та овоз; “Бетарафлар”–йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар 7404 та овоз.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилади.

1. Жамият 2020 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасига кўра 21 829 934,0 минг сўм зарар билан чиққанлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ш.Курбанов сўзга чиқиб, жамият бош директори Н.Турсуновнинг ваколати тугаганлиги, аммо жамият бош директори лавозимига номзодларни кўриб қилиш ишлари якунига етмаганлиги сабабли жамият бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдириш, жамият бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи тайинлаш масаласини жамиятнинг Кузатув кенгашига юклаш таклифини киритди.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 956 996 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”– йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар 48 876 та овоз.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият бош директори Турсунов Неъмат Нормейлиевич билан тузилган муддатли меҳнат шартномасининг муддати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 105-моддасининг биринчи қисмига асосан тугаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият бош ҳисобчисига Ғ.Бойназаровга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 151-модда биринчи қисмига асосан унга 21.09.2020 йилдан 21.06.2021 йилгача ишлаган даври учун фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун 24 кунга пуллик компенсация ва бошқа тегишли ҳисоб-китобларни тўлик амалга оширсин.

3. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласи жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдирилсин.

4. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи тайинлаш вазифаси жамиятнинг Кузатув кенгашига юклатилсин.

5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши бир кун муддатда қонунда белгиланган тартибда “Шеробод пахта тозалаш” АЖга бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи вазифасига номзод тайинласин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ш. Курбанов сўзга чиқиб, 2021-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1	“AFROSIYOB AUDIT STANDART” МЧЖ	19.04.2021 №025	15.000,0	15.000,0
	“NAZORAT AUDIT” МЧЖ	19.04.2021 №11/23-83	30.000,0	30.000,0
3	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	19.04.2021 № П1/40	15.800,0	25.800,0
4	“BALANS INFORM AUDIT” МЧЖ	19.04.2021 №11/213	0,0	7.500,0
5	“XIMOYA AUDIT” МЧЖ	26.04.2021 №36	7.000,0	0.0

Муҳокама давомида жамият акциядори У.Зубаев жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш

учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Шундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларидан 2021-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“AFROSIYOV AUDIT STANDART” МЧЖ- Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“NAZORAT AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“BALANS INFORM AUDIT” МЧЖ - Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“XIMOYA AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – 1 264 140 та овоз; “Қаршилар” – йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – 741 732 та овоз.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2021-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:



-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “XIMOYA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 7000,0 минг сўм белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Г.Бойназаровга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (бизнес-режа 7-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –1 264 140 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар-741 732 та овоз.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 256 736 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар, 51 864 дона оддий акция эгаси Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан, Турсунов Фахриддин Иброхимович-“Ўзпахтасаноат” АЖ Бош мутахассис, Халбаев Тўрамурад Жайлович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси – бош мутахассис, Курбанов Фирдавс Қобилжонович - “Ўзпахтасаноат” АЖ бошқарма бошлиғи, Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ бош ҳисобчиси, Гулямов Нигматулло Кадирович -“Сурхондарё пахта минтақавий терминали” МЧЖ Қимматли қоғозлар бўйича иктисодчи, Халиков Сайдулло Мамаюсупович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси – бошқарма бошлиғи ўринбосари, Қодиров Ўткирбек Фозилович, - Вақтинча ишсиз Қаюмов Махмуд Маннонович - Депозитарий "Сурхондарё ВАҚТ" МЧЖ директори, акциядорлар номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Турсунов Фахриддин Иброхимовичга:
“Ёқлаганлар” –1 774 158 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Халбаев Тўрамурод Жайловичга:
“Ёқлаганлар” –14 728 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Қурбанов Фирдавс Қобилжоновичга:
“Ёқлаганлар” –1 759 430 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Қурбанов Шамситулла Аллаевичга:
“Ёқлаганлар” –1 759 430 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Гулямов Нигматулло Кадиоровичга:
“Ёқлаганлар” – 1 823 704 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Халиқов Сайдулло Мамаюсуповичга:
“Ёқлаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан

Қодиров Ўткирбек Фозиловичга:
“Ёқлаганлар” –2 577 022 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Қаюмов Махмуд Манноновичга:
“Ёқлаганлар” –2 573 200 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият қузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ва акциядорлар томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Турсунов Фахриддин Иброхимович - “Ўзпахтасаноат” АЖБош мутахассис;

2. Қурбанов Фирдавс Қобилжонович - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бошқарма бошлиғи;

3. Қурбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ бош хисобчи;

4. Гулямов Нигматулло Кадиорович- “Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ кимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи.

5. Халиков Сайдулло Мамаюсупович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси – Бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан:

6. Қодиров Ўткир Фозилович – Вақтинча ишсиз.

7. Қаюмов Махмуд Маннонович – Депозитарий “Сурхондарё ВАҚТ” МЧЖ директори.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 256 736 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар, 51 864 дона оддий акция эгаси Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Сафаев Хасан Яхёевич, “Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ директори, Маллаев Илхомбек Джумаевич - “Сурхондарё пахта минтақавий терминали” МЧЖ меҳнат ва иш ҳақи бўйича иқтисодчи, Ирназаров Мурод Жумаевич “Қизирик пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директор – бош ҳисобчи, Абдурахмонов Мухиддин Раҳматуллаевич – “Давр мезони” МЧЖ муҳбири.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Сафаев Хасан Яхёевичга;

**“Ёқлаганлар” – 1 264 140 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Маллаев Илхомбек Джумаевичга;

**“Ёқлаганлар” – 2 005 872 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Ирназаров Мурод Жумаевичга;

**“Ёқлаганлар” – 2 005 872 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Абдурахмонов Мухиддин Раҳматуллаевичга;

**“Ёқлаганлар” – 741 732 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Сафаев Хасан Яхёевич-“Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ директори;

2. Маллаев Илхомбек Джумаевич- “Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ меҳнат ва иш ҳақи бўйича иқтисодчи .

3. Ирназаров Мурод Жумаевич - “Қизирик пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директор – Бош ҳисобчи.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 19-февралдаги ПФ-5666-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг “E-ijro auksion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлари бўйича

тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизмини қўллаш тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига батафсил тушунтириб ўтди ва ушбу масала бўйича ҳам ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –1 263 924 та овоз; “Қаршилар”–741 948 та овоз; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар-йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида жамиятнинг баҳоланган қийматда “E-ijro aukcion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлари бўйича тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизми қўлланилсин.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Ғ.Бойназаровга берди.

Ғ.Бойназаров сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бўйича қарздорлик таҳлилини ўтказувчи ишчи-гуруҳи томонидан тасдиқланган хулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик қарзи йўқлиги ва 7 375,5 минг сўмлик кредиторлик қарзлари мавжуд ва ушбу даъво муддати ўтган кредиторлик қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларида тегишли ёзувларни киритиш таклифини берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 263 924 та овоз; “Қаршилар”- 741 948 та овоз; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган 7 375,5 минг сўмлик кредиторлик қарздорликлар 8-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Ш. Курбанов

Йиғилиш қотиби:

У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2021-йил “29”-июнь куни икки нусхада тузилди.